

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ОЗИҚ – ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

“Машинасозлик” кафедраси

“Метрология” фанидан

РЕФЕРАТ

Мавзу: Сертификациялаш

Бажарди:

Салихова Р.

Текширди:

доц. Дускараев .Н.А

БУХОРО – 2010 йил.

КИРИШ

Юксак тараққий этган мамлакатлардаги ривожланишга аввало рақобат мухити кучлилиги туфайли эришилади . Рақобатбардош товарлар, хизматлар , ишлаб-чиқаришга узлуксиз интилиш бозор иқтисодиётига хос қонуният ҳисобланади .Шу боисдан республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ўтаётган ҳозирги даврда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб – чиқарилаётган товарлар рақобатбардошлигини ошириш асосий муаммодир . Бу масалани ҳал этиш ички ва ташқи бозорда ўзбекистон товарларининг мавқеини оширади ва миллий иқтисодиётда пайдо бўлган барча муаммоларни ижобий ҳал этишга йўл очади .

Маълумки , ҳозирги пайтда бизнинг аксарият кўп турдаги товарларимиз ўз ички бозоримизда ҳам чет эл товарлари билан рақобатга бардош бера олмаяпти .

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида эса маҳсулот сифатини яхшилаш - ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омиллардан биридир.Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий меҳнатнинг тежалиши , асосан , сифатли маҳсулотни истеъмол қилиш соҳасида юзага келади . Сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш эса ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник – иқтисодий кўрсаткичларида , шунингдек , айрим ишчи хизматчиларнинг меҳнат унумдорлигида ҳам ўз аксини топади. Маҳсулот сифатини яхшиланиш ҳисобига ижтимоий меҳнат унумдорлиги ортади . Яъни бир хил ҳажмда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифат кўрсаткичлари яхшиланиш ҳисобига шу маҳсулот бирлигининг баҳоси ортиб , товар маҳсулоти қиймати кўпаяди . Ишчилар сони ўзгармаган ҳолда , товар маҳсулоти қийматининг ортиши ҳар бир ишчига тўғри келадиган ўртача товар маҳсулоти кўпайишига ва меҳнат унумдорлиги кўтарилишига олиб келади .

Маҳсулот сифати ва сифатни бошқариш системаси .

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналари олдида турган энг асосий вазифа рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир .

Шунинг учун ҳам маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади . Маҳсулот хизматлар сифатини яхшилаш стратегик муаммо бўлиб , мамлакатимиз иқтисодиётининг стабиллашуви бу муаммоларнинг ҳал этишига боғлиқдир . Сифатни яхшилаш жараёни маҳсулотни сотиш ёки хизматлар кўрсатишда фактгина кўпроқ фойда олиш учунгина эмас , балки жамият учун , унинг равнақи учун ҳам зарурдир .

Маълумки фойдалиликка эга бўлиб , сотилиш баҳоси билан таннарх ўртасидаги фарқга эга бўлган товарлар албатта сотилиши керак .


Товарларни сотиб олар эканмиз, биз уларни фақатгина зарур бўлгани учунгина эмас , балки бизга ёққани учун ҳам ҳаққини тўлаймиз .Бунда товарларнинг ташқи кўриниши , фойдаланишнинг қулайлиги , хизмат кўрсатиш муддати , техникавий тавсифи , кафолатли хизмат кўрсатиш шартлари кабилар уларнинг баҳосини белгилашда муҳим омил ҳисобланиб , харидор товарни “ маълум эҳтиёжларни қондиради ”, деган умид билан сотиб олади . Шундай қилиб товарнинг сотилишининг муҳим шартлари – харидорнинг унинг кафолатланган сифатига ишонч ва баҳосидир .

Маҳсулот сифати деб , мана шу маҳсулотга нисбатан қўйилган халқ эҳтиёжи талабларини қондирилиш даражаси , уларнинг хосса – хусусиятлари, ташқи кўриниши , ишлатилишининг қулайлигига айтилади .

Сифатни шакллантирувчи элементлар сифат кўрсаткичлари дейилади ва турлича усуллар ёрдамида аниқланади .

Маҳсулотнинг техникавий тавсифи орқали аниқланувчи товарлар яроқлилигининг асосий элементлари конструкцияси сифати дейилади .

Конструкция сифатини такомиллаштирилиши билан унинг қиймати ҳам



1.1- расм. Конструкция сифати

1- расмда конструкция сифатининг унинг бахоси ва таннархига боғлиқлигига кўрсатилган . Графикнинг таннарх ва бахо эгри чизикларининг кесишув нуқталари Q_1 ва Q_2 билан ажратилган қисми рентабелликни ифодалайди . Бахо ва таннарх эгри чизиклари орасидаги энг катта масофани белгиловчи Q_0 нуқтаси энг юқори фойдани таъминловчи конструкция сифатини ифодалайди .

Рақобатлашувчи махсулотлар мавжуд бўлган шароитда корхона махсулотини реализация қилишда иқтисодий стратегия ва тактиканинг турли вариантларидан энг мақбулини танлаш керак. Бунда сарф – харажатлар ортиқроқ бўлсада юқори сифатни таъминловчи Q_3 конструкция сифатида ёки таннархнинг пасайтирилишига асосланган Q_4 конструкция сифатида тўхташ мумкин .

Амалиётда махсулотнинг техник тавсифида ва конструкторлик ҳужжатларида кўрсатилган сифат кўрсаткичлари шакллантирилар экан , уларнинг ҳар доим ҳам сифат кўрсаткичлари бўйича аниқ мос келмасликларини кўриш мумкин.

Ишлаб чиқарилган махсулот сифат кўрсаткичларининг конструкторлик ҳужжатларида келтирилган сифат нормаларига мос келиш даражаси техник жихатдан сифатга мос келиши даражаси дейилади .


Одатда , ишлаб чиқаришдаги сарф – харажатларнинг умумий миқдори асосий ишлаб чиқариш сарф – харажатлари ҳамда назоратга ва яроқсиз ,

дефект махсулотларни ишлаб чиқаришга кетган харажатларидан иборат бўлади . Назорат қанчалик аниқ , асосли ўтказилса , дефект махсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига йўқотишлар шунчалик қисқаради , назорат сарф – харажатлари

ортади .Назорат сарф – харажатларини оширмаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг техник шартларига мос келиш даражасини ошириш мақсадга мувофиқдир .

Юқорида айтилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки , техникавий назоратни амалга ошириш билан бир қаторда сифатни бошқаришнинг бошқа услубларини ҳам ёддан чиқармаслик керак .

Бошқарув ўзи нима ? - Бошқарув – корхона шароитида айланма циклда амалга ошувчи “ режалаштириш - амалга ошириш – назорат – бошқарув ” жараёнларининг йиғиндисидир .2- расмда бошқарув цикли келтирилган .




1.2. – расм. Бошқарув цикли

Бошқача қилиб айтганда бошқарувнинг бу цикли корхонада сифатнинг бошқаришнинг асоси ҳисобланади .

Режалаштириш функцияси лойиҳалаштириш босқичида корхона раҳбарияти томонидан бозордаги талаб – таклифни , капитал сарф – харажатларининг самарадорлик коэффициентини , корхонанинг техник даражасини , назоратнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиб , маҳсулотнинг сифат даражасини аниқлашни назарда тутди .

Конструкция сифатини белгиловчи маҳсулотнинг ташқи кўриниши , ишлатишнинг қулайлиги, узоққа чидамлилиги, хавфсизлиги каби хусусиятларнинг миқдорий қийматлари чизмалар , техник шартлар ва бошқа техникавий ҳужжатлар кўринишида ифодаланади .



1.3 – расм . Корхонада сифатни бошқариш.

Амалга ошириш функцияси конструкциянинг лойихалаштирилган сифатини тайёр маҳсулотда мужассамлашувини билдиради. У технологик жараёнларни лойихалаштириш , қўлланадиган дастгоҳлар, машиналар , инструментлар турини , шунингдек ишни бажариш ва назорат қилиш услубларни аниқлашни ўз ичига олади .Ушбу босқичдаги асосий мақсад маҳсулотнинг техник шартларга жавоб бериш даражасини сақлаш ва имкони борича бу кўрсаткичларни яхшилашдир .

Назорат функцияси Маҳсулот ишлаб чиқариш босқичидагина эмас , уни реализация қилиш босқичида ҳам амалга оширилади. Бошқача айтганда, маҳсулотнинг яроқлилиги уни сотилиши билан белгиланади.

Бошқарувчининг таъсири функцияси Маҳсулотни реализация қилиш чора тадбирларини белгилаш, агар сотилган товар сифат шартига жавоб бермаса унга қайта ишлов беришни ташкил этишни ўз ичига олади. Бундан ташқари у бозорда сотиладиган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сифатини яхшилаш имкониятларини аниқлаш, ишлаб чиқариш жараёнига керакли ўзгартиришларни киритиш мақсадида истеъмолчининг маҳсулот сифати тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш функцияларини ҳам бажаради. Сотилган маҳсулот тўғрисидаги ҳар қандай маълумот унинг келгуси давр учун режалаштирилишида муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, корхонани бошқариш ва маҳсулотни сотишни ташкил этиш фақатгина маҳсулотни сотиш вазифаси билан чекланиб қолмай, балки бозор маълумотларни тўплаб уларни маҳсулотини режалаштириш босқичида қўллашлари керак.

Юқорида санаб ўтилган режалаштириш – амалга ошириш – назорат – бошқарувнинг таъсири функцияларининг аниқ бошқариш учун корхонанинг барча бўлимлари бошқарув ва назоратнинг техникасини, махсус технологияни, шунингдек статистик услубларни қўллаб, маҳсулот сифатинининг муҳим аҳамиятини ҳис этган ҳолда маъсулият билан ўз вазифаларини бажаришлари лозим.

Шундай қилиб, **корхонада сифати бошқариш** – бу “истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирадиган, етарлича юқори даражадаги фойдалиликка эга бўлган товарларни лойихалаштириш, тайёрлаш ва сотишни таъминловчи бошқарув фаолияти туридир”


Маҳсулот сифати кўрсаткичларининг турлари

Маҳсулот сифатини баҳолаш ва уни ошириш учун сифат даражасини баҳолаш зарурдир. Маҳсулот сифатини миқдорий жиҳатдан баҳолаш билан боғлиқ бўлган фаолият соҳасига *квалиметрия* дейилади.

Маҳсулотнинг сифати даражасини баҳолаш маҳсулот сифатини системасида зарурий бошқарув таъсирни амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий кўринишда маҳсулот сифатини баҳолаш қуйидаги босқичларда амалда оширилиши мумкин. (1.4. расм)


- Сифат кўрсаткичларига нисбатан қўйилган асосий талаблар (1.4. расм)



Маҳсулотнинг бир ёки бир нечта хосса хусусиятларнинг миқдорий тавсифига **сифат кўрсаткичи** дейилади. Сифат кўрсаткичларининг танлаш – Маҳсулот сифати таркибига кирувчи ва унинг сифати даражасини баҳолашга имкон берувчи маҳсулот хусусиятлари миқдорий тавсифининг номларини аниқлашдир.

Сифат кўрсаткичларининг номларини танлашни асослаб бериш қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

- Маҳсулотдан фойдаланиш шартлари ва нима мақсадда ишлаб чиқарилганлиги;
- Истеъмолчи талабларнинг таҳлили;
- Маҳсулот сифатини бошқариш масалалари;
- Тавсифланаётган хусусиятларнинг таркиби ва структураси;
- Сифат кўрсаткичларига нисбатан қўйилган асосий талаблар (1.4. расм)



1.5. расм. Сифат кўрсаткичлари классификацияси

Халқ истеъмоли товарларининг сифатини назорат қилиш сифатининг ижтимоий, функционал, ишончлилик, эргонометрик, эстетик, экологик, хавфсизлик каби истеъмол кўрсаткичларини ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

Зарурат туғилса, товарларни сифатини баҳолаш ва таҳлил қилиш истеъмолчиларнинг талабларини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ижтимоий кўрсаткичлар махсус кўрсаткичлар гуруҳига киради. Товарлар сифат кўрсаткичлари ва истеъмол хусусиятларига кўра қуйидагича классификацияланади.

1.1. жадвал

Кўрсаткичлар гуруҳлари	Кўрсаткичлар
Ижтимоий моҳиятига кўра	Товарларни ишлаб чиқариши ижтимоий зарурияти, товарнинг оптимал ассортименти

	мос келиши,маънавий эскириши.
Функционал	Асосий функциясини бажаришининг такомилланиши, қўлланишда универсаллиги, ёрдамчи операциялар бажаришининг такомилланиши
Ишончлилик	Узоқ муддат таъмирланмасдан ишга яроқли ҳолда, ўз ташқи кўринишини йўқотмаслиги, туриши.
Эргонометрик	Гигиеник, антропометрик, физиологик, психофизиологик ва психологик.
Экологик	Ташқи муҳитни ифлослантирадиган зарарли чиқиндилар бўлиши
Эстетик	Кўзга ташланувчанлик, ташқи тузилишининг рационал бўлиши. Ишлаб чиқаришни бажарилишининг мукамал бўлиши, товар кўринишининг стабиллиги.
Истеъмолнинг хавфсизлиги	Ҳимоя мосламаларининг ишлаб чиқаришда қўлланилишидаги самарадорлиги.

Ижтимоий кўрсаткичлари.

Ушбу кўрсаткичлар маҳсулотнинг ижтимоий-зарурий эҳтиёжларга жавоб бера олиши ва унинг турли гуруҳ истеъмолчилари учун ижтимоий аҳамиятини тавсифлайди.

Бу кўрсаткичларга товарлар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий зарурияти, товарнинг оптимал ассортиментга мос келиши, маънавий эскириш ва бошқа ижтимоий самаралар кўрсаткичлари киради.

Товар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий зарурияти кўрсаткичи мана шу товарга нисбатан аҳолининг қондирилмаган талаби ҳажмининг зарурлигини ифодалайди. Товарга нисбатан қондирилмаган талабнинг зарурлик даражаси аҳолининг мана шу товарларга нисбатан таъминланганлик даражаси билан тавсифланади . Товарнинг ижтимоий адреси ва истеъмол типажини кўрсаткичи маҳсулотнинг истеъмолчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга

олган ҳолда махсус гуруҳ истеъмолчиларини талабларига жавоб бера олишини тавсифлайди . Товарнинг махсус гуруҳ истеъмолчиларнинг талабларини қондиришига қараб истеъмол типажини белгиланади .

Масалан , оёқ кийимларини типажини боғча ёшидаги , мактаб ёшидагилар , қиз болалар , ўғил болалар , аёл ёки эркеклар оёқ кийимларига бўлинади .

Товарнинг оптимал ассортиментига мос келиши кўрсаткичининг унинг мана шу тур маҳсулотлари ассортименти системасида фойдаланилиши ишларининг самарадорлигини тавсифлайди .

Маънавий эскириш кўрсаткичи модда йўналишлари ўзгариши , мавсум ўзгариши ёки янги сифатли маҳсулотларининг яратилиши билан маҳсулотни маънавий эскиришини кўрсатади .

Ёндош ижтимоий самаралар кўрсаткичлари - деб мазкур гуруҳ товарларини оммавий ишлаб чиқариш харидорларнинг товарларни харид қилишларига таъсирини тавсифловчи кўрсаткичларга айтилади . Масалан, мазкур гуруҳ товарларини ишлаб чиқаришганда , бошқа ёндош гуруҳ товарларига нисбатан бўлган талаб кескин ўзгариши мумкин .

Қийматларга нисбатан модаларнинг ўзгариши, кийиниш стилини ўзгариши бош кийимларга нисбатан бўлган талабни ўзгартириши мумкин .

Функционал кўрсаткичлари .

Маҳсулот сифатининг функционал кўрсаткичлари ва уларнинг фойдаланиш мақсадларига мос келиши , моддий , маънавий эҳтиёжларини қондира олиш даражасини тавсифлайди . Бу кўрсаткичлар асосий функцияларининг бажарилишини такомиллаштириш кўрсаткичи , универсаллик кўрсаткичлари ва ёрдамчи операцияларини бажаришни такомиллаштириш кўрсаткичларга бўлинади .

Асосий функцияни бажарилишини такомиллаштириш кўрсаткичи .

Истеъмолчининг фойдали самарасини , маҳсулотнинг истеъмолчилар томонидан фойдаланилганда маълум эҳтиёжни қондириш даражасини кўрсатади .

Универсал кўрсаткичи Маҳсулотнинг ўз ўрнига қараб ишлатилиши билан бир қаторда , кишилар учун фойдали бошқа мақсадларга ҳам ишлатилиши мумкинлигини кўрсатади .

Ёрдамчи функцияларнинг бажарилишини такомиллаштириш кўрсаткичи

Маҳсулотни “ *инсон - маҳсулот – ташиқи муҳит* ” системасида асосий ва ёрдамчи фаолиятларини бажаришининг ёндош босқичларида : транспортировка , ўрнатиш , таъмирлаш , хизмат кўрсатиш , сақлаш ва бошқа босқичларида маҳсулотни ўзига хос хусусиятларини кўрсатади .

Ёрдамчи операцияларни бажарилишини такомиллаштириш учун асосий фаолиятининг бажарилишини такомиллаштиришига ҳам таъсир кўрсатади.

Ишончлилик кўрсаткичи

Маҳсулотнинг истеъмол ёки эксплуатация вақтида яроқли бўлишини кўрсатади .Бунга тўхтамасдан ишлаши , узоққа чидамлилиги , таъмирланувчанлик , сақланувчанлик каби кўрсаткичлар киради .

Тўхтамасдан ишлаш кўрсаткичи - Маҳсулотни маълум вақт давомида тўхтамасдан ишлатилиши мумкинлигини кўрсатади .

Узоққа чидамлилик кўрсаткичи - хизмат кўрсатиш муддати давомида узлуксиз ишлаши мумкинлигини кўрсатади .

Таъмирланувчанлик кўрсаткичи - Маҳсулотнинг реализация қилиш жараёнида баъзи майда камчилигини тузатиш мумкинлигини кўрсатади .

Сақланувчанлик кўрсаткичи - Маҳсулотни сақлаш ва транспортировка қилиш жараёнида ва ундан кейин ҳам ўзининг истеъмол қийматини сақлаш хусусияти тушунилади .

Эргонометрик кўрсаткичлари .

Эргонометрик кўрсаткичлари “инсон - маҳсулот” системасини тавсифлаб , инсониятнинг экологик , физиологик , антропометрик , гигиеник хусусиятларини ҳисобга олади.

Гигиеник кўрсаткичлар – Маҳсулотни кишиларни меҳнат ва ҳаётий фаолиятининг гигиеник шартларига мос келишини кўрсатади .

Антропометрик кўрсаткичлари - Маҳсулот конструкцияси ундан фойдаланилаётган вақтда кишилар танасининг тузилишига мос келишини кўрсатади .

Эстетик кўрсаткичлар.

Эстетик кўрсаткичларга ажралиб турувчанлик, ташқи кўринишнинг рационал бўлиши, композицияни тўлиқ бўлиши, маҳсулотни ишлаб чиқаришни бажаришнинг мукамал бўлиши, товар кўринишини столбел бўлиши каби кўрсаткичлар киради. **Ажралиб турувчанлик** маҳсулотга нисбатан жамиятда шаклланган эстетик дунё қарашларни акс эттиради. Бу кўрсаткич маҳсулотни бошқа аналогик маҳсулотни ажралиб туришини, давр талабига, замон талабига, мода йўналишларига жавоб бериш даражасини кўрсатади.

Ташқи кўринишнинг рационал бўлиши маҳсулотни функционал - конструктив моҳиятини тўғри фойдаланишини, маҳсулотни тайёрлаш ва эксплуатация қилишнинг объектив шароитларга мос келишини тавсифлайди. Ушбу кўрсаткич маҳсулот ташқи кўринишини унинг ишлатилиш мақсадларига, конструктив ечилишига, тайёрлаш технологияси ва қўлланиладиган материалларнинг ўзига хос хусусиятларига мос келишини кўрсатади.

Композициясини тўлиқлиги – маҳсулот қисмларини органик боғлиқлигини, унинг бошқа ансамблларга ҳам мос келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичлар маҳсулотни моделлаштиришда турли ранглари ўзаро алоқада қўллашда, конструкцилаш ишларини бадий тасвирлашда, тўлиқ композицион ечимга еришишда бадий воситалардан фойдаланиш самаралорлигини кўрсатади.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг мукамал бўлиши ва товар кўринишининг столбел бўлиши

Маҳсулотнинг эстетик жиҳатдан ташқи кўринишига таъсир кўрсатади ва уни ишлаб чиқаришда ташқи кўринишининг мукамал бўлиши, фирма белгиларининг аниқ бўлиши, информацион материал ва ҳужжатларнинг тўлиқ бўлиши ва маҳсулот ташқи кўринишига зарар етмаслаги учун уни ўраш – жойлаш ишларининг яхши йўлга қўйиш даражасини кўрсатади.

Истеъмолнинг хавфсизлиги кўрсаткичи маҳсулотни эксплуатация ёки истеъмол қилиш, монтаж, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш, тортиш ва ташишда кишиларнинг хавфсизлигини таъминловчи хусусиятларни тавсифлайди. Истеъмолнинг; химоя мосламаларининг ишлатилиши; вольти занжирларнинг электр мустаҳкамлигини келтиришимиз мумкин.

Экологик кўрсаткичлар маҳсулотни эксплуатация қилишда ёки истеъмолда атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш табиат муҳитга ишлаб чиқариш чиқиндиларнинг тушишини чеклаш, биологик ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни сақлаш, атмосферани ифлосланиш даражасини пасайтиришни таъминлаш керак.

Экологик кўрсаткичларга, атроф муҳитга ташланаётган захарли чиқиндиларнинг таркиби, маҳсулотни эксплуатация қиш ва истеъмолда, ортиш, ташишда сақлашда захарли газлар чиқишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Маҳсулот сифати даражасини баҳолашда маҳсулотни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш ёки истеъмол қилиш соҳасидаги фарқларни тасвирловчи иқтисодий кўрсаткичларни эътиборга олиш муҳимдир.

Иқтисодий кўрсаткичлар – бу тажриба намуналарни тайёрлаш ва синовдан ўтказишга кетган харажатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш таннари, техник объектларни эксплуатация қилишдаги харажатлар ва бошқалар.

Сифат кўрсаткичлари физикавий кўрсаткичлар сингари ўлчамга эга бўлиши ёки эга бўлмасликлари мумкин. Сифат кўрсаткичларининг миқдорий тавсифи деганда маълум бирликдаги уларнинг ўлчамлари тушунилади.

Масалан, маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат сарфи маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт бўлиб ишчи-соатларда ифодаланади.

Бунда меҳнат сарфини ишчи-кунларда ифодалаш маҳсулотнинг меҳнат сарфи ўзгариб қолмайди. Худди шунга ўхшаб маҳсулот таннари ёки баҳоси каби иқтисодий кўрсаткичларни сумларда ёки бошқа бирликларда ифодаланиши унинг қийматини ўзгартирмайди.

Физик миқдорлар сингари сифат кўрсаткичларининг миқдори ҳам абсолют ва нисбий миқдорлар орқали ифодаланиши мумкин. Физик миқдорларнинг абсолют қиймати ҳар доим ўлчамга эга бўлади, нисбий миқдорлар эса ўлчамсиздир. Маҳсулот сифатининг абсолют кўрсаткичлари ўлчамга эга бўлишлари ёки ўлчамсиз бўлишлари мумкин, нисбий кўрсаткичлар эса доим ўлчамсиздир.